


Тақдимот

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Ўзбекистон Миллий университети (ўша даврдаги ТошДУ) журналистика факультетига тахсил олиб юрган кезларимиз кунда-кунора ётқоҳонамизда шеърхонлик бўларди. Ёш ижодкор, хаваскор талабалар биринчи галда ўша даврнинг энг машҳур шеърларини ёддан айтишарди. Талабалар кўпроқ ёш шоирларнинг янги шеърларига қизиқиш ва ихлос билан қарадилар. Абдулла Орилов, Эркин Воинов, Рауф Парфи, Халима Худойбердиева, Ойдин Ходиева, Омон Матчон каби устоз шоирлар ортидан улағийб бораётган навқирон авлод — Азим Суюн, Хуриш Даврон, Анвар Обиджон, Усмон Азим, Шарифа Салимова, Йулдош Эшбек, Шавкат Рахмон, Мирзо Кенжабекларнинг ўтли, ҳароратли шеърлари ёш замондошларни қалбида ўчмас аланга пайдо қилгани рост гап. Устоз шоирлар билан бўладиган ижодий учрашувлардаги таассуротларни таърифлашга эса тил ожиз эди. Ёш кизиги, биз ўша устозларни «ташардики». Давралардан уларнинг бетакор шеърларини ёддан айтиб, фикр билдирар, ўзимизча муҳокама қилар эдик. Бир гал дорилфунун «Маданият саройи»да бўлган учрашувда Азим Суюн улоқни илб кетди; у киши янграк ва баланд овоз, оҳанг-ла шеър ўқиркан, бир дафъа мухлисларига боксиди, баралла шундай деди: «Фақат шеър ёзмадан, бошқаси бекор!» Гулдурас караслардан саройнинг шифти кўчиб кетай деди. Шундан сўнг мухлислар орасида «Азимоҳан» ила шеър ўқийдиганлар кўпайди.

Ўшанда Азим Суюннинг иккита шеърини тўплами қўлимизга текканди. Яъни «Менин осмоним» (1978 й.) ва «Зарб» (1979 й.) китобларини қўлма-қўл ўқирдик. 1981 йили «Заман тақдир» тўпламини ҳажон билан кутиб олдик. Ийиллар ўтди, замонлар ўзгарди. Бу орада сўйган шоримизнинг «Хаблот», «Зиё йўли», «Жавзо», «Олис тоғлар», «Куйганим-суйганим», «Сарбадорлар», «Қора кўзинг сенинг», «Сайланма», «Ўзлик», «Шарқ ҳикмати», сингари қатор шеърини ва насрий китоблари адабиёт мухлисларининг маънавий мулкига айланди. Наздим-ушмасида шоир Азим Суюннинг «Эй дўст» китоби тақдимот маросимида қалбимда ажиб гунчалар чирой очгандек бўлди. Устоз шоирлар, адиблар, адабиётшунос олимлардан ташқари кўплаб шеърят ихлосмандлари ташриф буюрган маросимни уюшма раиси бийтаётганга ўхшайди. Бу ажиб «мусобақада» эса у ҳамон ўзининг ўрнига эга! Очиғи, эй дўст — Азим Суюннинг ўзи! У барчаннинг дўсти, адабиёт ихлосмандларининг дўсти! Қўшиқ ажиб чиққанида «дўст!», деб олқишлаш одатимиз бор. Мен бугун дўстимни янги

ТАФАККУР ЁҒДУЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли шоир Азим Суюннинг «Эй дўст» китоби тақдироти бўлиб ўтди



китоби билан қўлаб, «дўст!» деб қўймоқчиман. Таниқли адабиётшунос олим ва адиб, «Миллий тиклаш» газетаси бош муҳаррири Иброҳим Гафуров шундай деди:

— Азим шеърятда яхши бир шакл топибди. Шоир фақат энг яқин дўстига мурожаат қилиши, шу йўсинда поэтик йўл танлаши маъқул. Азим Суюннинг шеърини байроғи баланд ҳилпиромоқда. Унинг ушбу тўпламдан ўрин олган қайрилмалари орасида гоят сарбаламдари кўп. Уларни шоирнинг 57 ёшлик ихтироси, кашфиёти дейиш мумкин.

Нозиктаб мунаққид, профессор Қозоқбой Йўлдошев китобдан ўрин олган шеърлар алифбо тартибидеда берилганида янада мақбулроқ бўлур эди, деган фикрни илгари сура экан, дил сўзларини шундай ифода этди:

— Миллатнинг тафаккурини эркинлик янги поэтика, янги шеърлар яратди. Бу шеърлар борган сари муъжазлашиб борапти. Азим Суюн ижоди мисолида ана шундай муъжаз шеърларни кўраймиш. Қайирма — энг юксак поэтик мараларга етганини кўрсатади. У қайирма, деган янги жанр яратди!

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим шундай деди:

— Азим донишманд одамга айланибди ва ўша донишмандлик «Эй дўст» китобида ўз аксини топибди. Дўстим бир пайтлар катта газетачи бош муҳар

рир бўлганида, энди у ижодга қайтмас керак, деб ўйлагандим. Йўқ, у эй дўст, деб юриб, ҳақиқий «Эй дўст»ни яратибди.

Профессор Мирсодиқ Исҳоқов:

— Азим тоғлиқ йигит. Тоғ қоялари, виқорли чўққиларнинг ўз моҳияти бор. Унинг «Ўзлик» каби ҳар бир китоби биттадан улкан қоя дегим келади. «Эй дўст» эса ўша қоялар ичра энг юксак гидир. Бу қоядан томаётган тафаккур ёғдуларининг ҳар бирини мароқ билан ўқийсиз.

ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Сайди Умиров мазкур китоб бадий безатилиши юксак дид ва маҳорат билан ишланганини таъкидлади.

— Миртемир домламиз шеърларини «сочмалар» дер эди, — деди устоз мураббий. — Азим Суюн янги услубда битган ажиб шеърларини «қайирма» деб атабди. Назаримда, у «қайирма» деган жанрга асос солиди! Бу янги жанр халқона жанрга айланиб кетса ажабмас. Бу «қайирма»ларда донишмандлик медалларини кўрасиз. Азимжон бундай донишмандликка йиллар мобайнида эришди. Ўттиз беш йил аввал у билан Пойарикда танишганимда пешонасига бокс, халқимизнинг «қўчкор бўлар кўзининг пешонаси дўнг бўлур» деган мақолини эслагандим. Мана, бугун у донишмандлик китобини элига туҳфа этаётгани жуда қувончли ҳол.

Китоб тақдироти маросимида «Гулхан» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоирлари Омон Матчон, Халима Худойбердиева, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири ўринбосари, шоир Мирпўлат Мирзо, Фаргона Давлат университети профессори Йўлдош Солиқов ва бошқалар ҳам дил сўзларини изҳор этдилар.

Тақдимот сўнггида шоир Азим Суюн «Эй дўст»нинг янги қайирмаларидан ўқиб берди.

Тўлқин ЭШБЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Спорт оламида

Бокс — энг оммавий спорт турларидан бири. Унинг спорт мусобақаси шаклидаги илк кўриниши — дастлаб мушт жанги сифатида эра-миздан аввал қадимий Юнонистонда ўтказилган Олимпиадаларда кузатишган. Бугун ҳам замонавий бокс спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — Олимпиада ўйинларининг етакчи спорт тури сифатида қадрланади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида спортнинг мазкур тури янада ривожланди. Артур Григорян профессионал боксда жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Хаваскор боксчиларимиздан Муҳаммадқодир Абдуллаев барча ну-

ча, Руфат Рискиев бир маромида жанг олиб бориш жараёнида қулай пайтни пойлаб, қўлтирмаганда ҳужумга ўтар ва жангни залворли зарба билан яқунларди. Шунинг эъзига у кўп баҳсларни муддатидан олдин яқунлаган. Шу боис мухлис мутахассислар



бокс бўйича бўлажак жаҳон чемпиони — Майкл Спинксга қарши кечган

ТОШКЕНТЛИК «ЙЎЛБАРС»



фузли совринлар — Осиё, Жаҳон биринчиликлари ва Олимпиада ўйинлари олтин медалига сазовор бўлди. Руслан Чагаев ёш бўлишига қарамай икки марта жаҳон чемпионатида ғолиб чиқди. Яна бир жаҳон чемпиони — Ўткир Хайдаров иккити дунё чемпионлиги Баҳодир Султонов билан Афина Олимпиадасида, Рустам Саидов эса Сиднейдаги ўйинларда бронза медал билан тақдирланди.

Дунёнинг энг кўза қўринч спортчилари сирасидан муносиб ўрин олишга интилаётган бу «чарм қўлқоп» усталари бокс бўйича ўзбекистонлик биринчи жаҳон чемпиони Руфат Рискиевнинг издошларидир.

Руфат Рискиев 1949 йилнинг 2 октябрыда Тошкент шаҳрида дунёга келди. Бокс билан 14 ёшдан бошлаб, Борис Гранаткин қўл остида шугулланди. Машаққатли меҳнатлар эъзига моҳир боксчи бўлиб етишган Руфат Рискиев рингда қучли техникага асосланган жанг услубини қўллар эди. У ҳар иккала қўлида ҳам ўта қучли зарба бериб олади. Мутахассисларнинг таъкидлаши-

боксчини «тошкентлик йўлбарс» деб аташарди.

Боксчилик фаолияти давомида Руфат Рискиев тўрт мартаба — 1972, 1974, 1975 ва 1976 йилларда мамлакат чемпионатида олтин медалларни қўлга киритди. 1974 йили ўз вази тоифасида энг қучли боксчи сифатида жаҳон чемпионатида қатнашди.

Ўша йили Халқаро хаваскор боксчилар федерацияси — АИБА конгресси 17 август кунини Кубанин Гавана шаҳрида хаваскор боксчилар ўртасида биринчи жаҳон чемпионати бошланишини эълон қилганди.

Айнан ана шу — 1974 йил ҳамюртимиз фаолиятидаги энг яхши мавсум бўлди. Руфат Рискиев жаҳон чемпионати давомида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони, деган юксак унвонга эга бўлди. Ёш аҳамиятисини, ўзбек йигити ҳал қилувчи жангни сингган қўл билан ўтказди. У халқимизга хос матонат, мардлик, жасорат, ирода ва сабр-бардошни намойиш қилиб, қучли рақибини бир қўлда енгди ва бокс тарихида дастлабки жаҳон чемпиони сирасидан жой олди.

Руфат Рискиев яна бир нуфузли мусобақа — 1976 йилда Канаданин Монреаль шаҳрида ўтказилган Олимпиада ўйинларида ҳам олтин медалга сазовор бўлишга жуда яқин турганди. Профессионал

финал жангида тошкентлик боксчи учинчи раундда қучли зарбани ўтказиб юборди. Бу зарба Руфат Рискиевни қийин аҳволга солиб қўйди. У учрашувни бошқарган рефери зарба белбондан паства берилганини кўрсатди. Лекин ҳамюртимизнинг бу ҳақли эътирози инobatга олинмади.

Хаваскорлар бокс тарихида ёрқин из қолдирган юртдошимиз ўз фаолияти давомида 189 та жанг ўтказиб, шулардан 174 тасида ғолиб чиққан. Спортчилик фаолиятини тугатганига ажа бўлган эсада, Руфат ажа ҳозир ҳам ёш боксчилардан ёрдамчи, маслаҳатчи аямайди.

— Фахрий спортчилар доимо катта тажрибага эга бўлади, — дейди у. — Улар мамлакат шавини халқаро майдонда ҳимоя қилган бўлиб, иқтидорли спортчилардан қўмагини аямаслиги лозим. Мен ҳам доимо боксчиларимизга ёрдам беришга тайёрман. Масалан, ҳозир профессионал боксда муваффақиятли иштирок этаётган Руслан Чагаев қучли техникага, мустаҳкам ҳимоялана олади. Лекин у авваллари қучли зарба йўллаш усулини билмасди. Унга бу борада қўлимдан келганча сабоқ бердим, маслаҳатларини аямаям. Ҳозир ўтказаятган учрашувларида рақибларини нокаут ёки нокаутга учратса, бошим осмонга етади.

КУТУБХОНАЛАР

ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИЛМОҚДА

Тошкентда «Замонавий ахборот технологиялари Тошкент шаҳар оммавий кутубхоналари ишида» мавзусида семинар ўтказилди.

Инсон тафаккурини ўстиришда кутубхоналар муҳим ўрин тутади. Шу боис кутубхоналар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина пойтахтимизда 106 та оммавий кутубхона ишлаб турибди. Мазкур кутубхоналарнинг барчаси замон талабига жавоб берадиган техник ускуналар билан таъминланган, марказлаштирилган ягона тармоққа уланмоқда. Бу эса ахборот асрида инсониятнинг билим ва маълумот олиш доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Икки йил ичида Тошкент шаҳридаги барча марказлашган оммавий кутубхоналар компьютер техникаси билан жиҳозланиб, интернет тармоғига улаштирилган. Ўзбекистон-Корея ахборот технологиялари ўқув маркази мутахассислари кутубхоначиларни компьютер саводхонлигини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этмоқда.

Тадбирда бу каби амалий ишлар давом эттирилиши, шунингдек, барча вилоятлардаги кутубхоналар фаолиятини замонавий технологиялар билан таъминлаш режалари тўғрисида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

ЯНГИ ТОПИЛМА

Археологларимиз неча юз йиллар давомида тупроқ қатларида қўмилиб ётган қадимий обидида — аждодларимиз томонидан яратилган бинони топишди. Сурхондарё вилоятидаги «Қайрағочота» ёдгорлиги ҳудудидан топишган бу ноб топилама тарих саҳифаларига яна бир янгилик олиб кирса ажабмас.

— Бино қолдиқлари Шеробод туманининг Тўпор қишлоғидан 8-10 метр чуқуридан топилиди. Унинг гўмбалари ажиб нақшлар билан безатилган, — дейди вилоят археология музейи директори Исмоил Ботиров. — Бу ўтмишдошларимизнинг меъморчилик санъатига нақадар мойиллигидан, уларнинг юксак ақл-идроқидан дарак беради.

Катта аҳамиятга эга бўлган бу археологик-меъморий ёдгорлик обидаси нафақат Сурхондарё воҳаси, балки она Ватанимиз тарихини чуқур ўрганишда ҳам олимларимизга муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Т.МАҲМАДИЕВ,
«Адолат» мухбири



Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёси Кенгаши

МАНЗАЛИМИЗ:

700447, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

телефонлар:

Қабулхона-136-53-14.

Факс: (8.371) 133-41-89.

Сийсат ва партия ҳаёти — 136-55-96.

Хатлар бўлими — 136-55-64.

Маънавият, адабиёт ва санъат — 136-55-64.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 016 рақами билан рўйхатдан ўтган. Адади — 1533. Буюртма Г — 600. Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Саҳифаловчи — Фарҳод ХУЖАНАЗАРОВ

«Шарқ» нашриёт — матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри

«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга тошпириш вақти — 20.00

Босишга тошпирилди —

● Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. ● Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. ● «Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади. ● Мазкур белги остида тижорат мақсадлари чоп этилади. ● Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. ● Қўлёзмалар эгаларига қайтариқмайди ва жавоб беришмайди. 1 2 3 4 5 6